

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

5440500 - «География» таълим йўналиши

08.432-гуруҳ битирувчиси

Абдуллаева Сарвинознинг

**“Ўзбекистонда инвестициянинг ҳудудий таркиби ва
қўшма корхоналар географияси” мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Илмий раҳбар:

География кафедраси ўқитувчиси

Ҳ.Абдувалиев

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Инвестициялар ва уларни ўрганишнинг иқтисодий географик жиҳатлари	8
1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва унинг турлари	8
1.2. Инвестицион сиёсат ва инвестицион муҳитни иқтисодий географик ўрганиш	21
2-боб. Ўзбекистонга инвестициялар жалб қилишнинг ҳудудий таркиби ва қўшма корхоналарнинг ривожланиши	34
2.1. Миллий иқтисодиётни молиялаштиришнинг тармоқлар таркиби ва аҳамияти	34
2.2. Минтақалар бўйича инвестициянинг ҳудудий таркиби ва қўшма корхоналарнинг ривожланиши	44
2.3. Минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этишни қўллаб қувватлаш механизмлари ва истиқболлари	52
Хулоса	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	66

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида, унинг жаҳон хўжалиги тизимига муваффақиятли уйғунлашувида инвестицион фаолият устивор аҳамият касб этади. Зеро, хорижий инвестицияларни республикамиз иқтисодиётига жалб қилиниши, уларнинг ҳуқуқий кафолатланиши эркин бозор муносабатларига асосланган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва минтақалар хўжалигини модернизациялаш шароитида иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш, бу турдаги фаолиятни молиялаштириш ҳамда, республика минтақаларининг инвестицион салоҳияти имкониятларини ўрганиш иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қулай инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш механизмини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, минтақаларга киритилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, қўшма корхоналарни минтақавий хусусияти ва уларнинг фаолиятини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, қўшма корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни халқаро андозаларга мувофиқ келадиган тарзда ривожлантириш учун қўшимча маблағ талаб қилиниши, ушбу соҳалар харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурияти долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг (13.02.2009 йил) маърузасида “Учинчи энг муҳим устивор йўналиш – бу,

хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборатлиги, малакатимиз иқтисодиётга чет эл инвестицияларин жалб этиш – бу, нафақат хорижий шериклар билан янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаган эдилар”¹.

Таъкидлаш жоизки, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётда самарали ишлашини таъминлаш механизми мураккаб бўлиб, бу кенг маънода қаралганда ижтимоий-иқтисодий характерга эга жараён дир.

Тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бир қатор микро ва макро даражадаги омиллар ва шарт-шароитларига боғлиқ.

Мазкур омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаб олиш, уларнинг ижобий ва салбий таъсирини ўрганиш, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини янада ошириш билан боғлиқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятининг мавжудлиги ушбу БМИ мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларида Ўзбекистон Республикасида давлатнинг молиявий маблағларини қайта тақсимлаш асосида иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни таъминлаш молия-кредит, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, уларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ва самарали ишлатиш, ҳамда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятининг иқтисодий,

¹ <http://www.gov.uz/uz/ctx.scm?sectionId=1658&contentId=2208>

молиявий ва ташкилий-хукукий муаммоларига бағишланган тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Абдуллаев Ё.А., Абирқулов Қ., Джамолов Х.Н., Додиев Ф.У, Жамолов Х.Н., Жумаханов Ш.З., Жўраев С.А., Йўлдошев Ш., Носиров Э., Каримов Н., Карлибаева Р.Х., Маматов С.Д., Мирзаахмедов Х.С., Мўминов Н.Г., Расулов А.Ф., Рашидов О.Ю., Рўзиев А., Саидов Р., Солиев А.С., Султонов М., Тошмуродова Б., Узоқов А., Қурбонов Х.А., Ғозибеков Д., Хван Л.Б., Ҳайдаров Н.Х., Шарифхўжаев М.Ш., Ўлмасов А., Қўзиев Н ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Чет элда ҳам инвестиция ва инвестицион фаолият, унинг муаммо ва ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари Абрамов С.И., Аконова Е.С., Бочаров В.В., Воронкова О.Н., Гаврилко Н.Н., Кемпбелл Р., Кейнс Ж., Кирив А.П., Теор Т.Р., Фабоци Ф., Чернов В.А ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва қўшма корхоналарнинг ҳудудий таркиби. Предмет сифатида Ўзбекистон Республикасида инвестициянинг ҳудудий таркиби ва инвестицион сиёсатнинг иқтисодий-географик хусусиятлари, хорижий инвестициялар ва қўшма корхоналарнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ва улар учун яратилган шарт – шароитларни ўрганади.

БМИнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаолият ва уни молиялаштириш механизмининг ҳозирги ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар тизимини ишлаб чиқиш, шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини модернизациялашда инвестициянинг аҳамиятини аниқлаб олиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, БМИда қуйидаги **вазифалар** белгиланган ва ҳал қилинган:

- инвестициянинг турларини аниқлаш ва уларни ривожланишининг иқтисодий географик асосларини ўраганиш;

- Ўзбекистон Республикаси минтақаларида инвестицион муҳитни ривожлантириш имкониятлари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсат ва унинг минтақавий аҳамиятини очиб бериш;

- миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестициянинг тармоқлар таркибини тадқиқ қилиш;

- республика минтақаларининг имконият ва шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда инвестициянинг ҳудудий таркибини, динамикасини ва уларнинг иқтисодий – географик хусусиятини таҳлил қилиш;

- республика минтақавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётган ва келажакда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларга баҳо бериш;

- республикамизда хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилган кўшма корхоналарнинг ҳудудий таркиби ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни таҳлил қилиш;

- мамлакат иқтисодиётга киритилаётган хорижий инвестицияларнинг кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга баҳо бериш;

- иқтисодиётга инвестицияларни киритишнинг давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва халқаро капитал фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот иши **назарий ва услубий асоси** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва инвестиция соҳадаги асарлари, шу билан бирга кўпгина иқтисодчи олимларнинг инвестиция фаолияти ва унинг самародарлигини ошириш билан боғлиқ бўлган услубий ишланмалар, назарий ёндашувлар, тадқиқотлари хизмат қилди.

Мавзунини тадқиқ этишда ҳудудий таҳлил, географик, тарихий, мантиқий таққослаш, усул ва услубларидан фойдаланилди. БМИнинг маълумотлар базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки

қўмитаси статистик маълумотлари ва журналлари ҳамда кўпгина адабиётлар хизмат қилди.

Бажарилган тадқиқот ишининг илмий янгилиги сифатида бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестициянинг тутган ўрнини, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятининг хусусиятларини ва устивор йўналишларини аниқлаш ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари йўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Ишни бажаришда географик таққослаш, тараққий қилёслаш, картографик статистик, математик ва бошқа тадқиқот усуллари кенг фойдаланилди. Ишни тайёрлашда асосий манба бўлиб Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси, интернет тармоғи ва бошқа ташкилотлар маълумотларидан фойдаланилди.

БМИнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми – 67 бет. Ишда 2 та чизма, 1 та диаграмма, 6 та жадваллар мавжуд. Ишни бажарилиши жараёнида 15 та адабиёт ва интернет сайтларидан фойдаланилган.

I-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ.

1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва унинг турлари.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялар мамлакат иқтисодиётни такрор ишлаб чиқариш жараёнларини таъминловчи ва ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришни асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, ҳозирга қадар "инвестиция" тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. “Инвестиция” аслида инглизча “TO INVEST”, немисча “IVNESTITION”, лотинча “INVESTIO” сўзидан олинган бўлиб, асосан, ишлаб чиқаришга узоқ муддатли қўйилмалар киритиш, қўйилмалар сарфи, яъни харажатлар йиғиндиси деб талқин этилган.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини кўриб чиқишда, иқтисодий адабиётларда “инвестициялар” атамасини “капитал қўйилмалари”, “капитал” тушунчалари билан айнан маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўшиш маъносида талқин қилинади. Инвестициялар номоддий активларга ҳам, интеллектуал мулкка ҳам, айланма активларга, шу жумладан молиявий воситаларга ҳам тааллуқли.²

Ҳозирги кунда “инвестициялар” тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилади. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг турли мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари,

² Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.:Молия, 2003

ҳаракат йўналишидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб “инвестициялар” тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади.

Инвестиция ҳақида иқтисодчи олимлар турлича таърифларни келтирганлар. Айрим иқтисодчилар уни “тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик” деб тушунсалар, айримлари лотинча “invest” сўзининг айнан таржимаси “киритиш” деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда “капитал киритиш” билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Масалан, Ж.Кейнс инвестицияларни “ушбу даврнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал мулк баҳосининг жорий ортиши” тарзида, “ушбу даврда топилган даромаднинг истеъмолга ишлатилмаган қисми” тарзида таърифлайди.

Хусусан, “Инвестиция” дарслиги муаллифи иқтисодчи олим У.Ф.Шарп “Инвестициялар - келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир”, - деб таърифлайди.

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунд “Инвестиция - бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир” деб таърифлаган.

Ф.С.Тумусов фикрича “инвестиция” – асосий ва айланма капитални барпо этиш, кенгайтириш ёки қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга қилинган сарфлардир.

Л.И.Паплова эса инвестицияларни - капитални ўстириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга йўналтирилган жами моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш жараёни тарзида изоҳлайди. Яъни унинг фикрича инвестициялар капитални фойдали жойлаштириш мақсадларида амалга оширилади.

Айрим иқтисодчилар эса инвестицияларни – бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки пировард

мақсади келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки якка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми деб қарайдилар.³

Россиялик иқтисодчи олим Е.В.Михайлова эса “инвестициялар - келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади”, деган фикрни илгари суради. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос ҳолда таъриф берилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари томонидан ҳам инвестиция тушунчасига таърифлар берилган бўлиб, уларнинг бирида “Инвестициялар – барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликларни узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида халқ хўжалиги тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради”, дейилади. Инвестициялар тушунчасига берилган ушбу таърифда инвестицияларнинг узоқ муддатли қўйилмалар эканлиги таъкидланади.

Мамлакатимизда инвестициялар, шунингдек инвестицион фаолиятнинг ҳуқуқий иқтисодий асослари яратилган бўлиб, шунга мувофиқ бу жараённинг мазмуни қонуний талқин этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида “Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номмоддий ҳамда уларга доир ҳуқуқлари” сифатида таърифланади.⁴

Иқтисодчи олим Н.Х.Ҳайдаров фикрича - “инвестициялар – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфланишидир”.

³ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.:Молия, 2003.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 1998 йил 24 декабрь, // Солик ва божхона хабарлари, 4-сон, 1999.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайдилар.

Д.Ғозибековнинг “Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари” номли илмӣ асарида инвестицияларнинг макродаражадаги, ишлаб чиқариш назариясидаги, молия назариясидаги ва умуман, иқтисодиётдаги моҳиятини очиб беришда алоҳида аҳамият бериб ўтилган. Шу билан бирга Д.Ғозибеков айрим таржима нашрларида берилган “Инвестициялар - бу даромадларнинг доиравий айланишига маблағлари қўшиш (қўйиш)дир” деган фикрни ўринли ҳисоблайди.

Инвестицияларни моҳиятини аниқлашда, уларни амалга ошириш учун жалб қилинаётган инвестициялар шакллари ва ресурсларидан бир қадар четга чиқиш лозим, инвестициялар мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакллари орқали, инвестициялар мақсади эса уларнинг асосий функциялари – жамғариш билан аниқланади. Умуман олганда “Инвестициялар – ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағларни аниқ муддатларга муайян жараёнларга, аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлашдир, бундан асосий мақсад унинг асосий қийматини сақлаш ва жамғармаларни амалга оширишдан иборат.”⁵

Демак, инвестиция тушунчаси жуда кенг тушунча бўлиб, унга турлича таъриф берилган ва шу нуқтаи назардан “инвестиция” тушунчасига таъриф бераётганда унинг барча жиҳатларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Юқорида келтирилган атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб айтадиган бўлсак, “инвестициялар”- бу мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг ривожланишида асос бўлувчи куч бўлиб, инвесторлар

⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.:Молия, 2003.

томонидан даромад олиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланадиган барча турдаги бойликлардир. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг – “Инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади” - деб таъкидлаган фикрлари тасдиқлайди⁶.

Инвестиция тушунчаси жуда кенг маъноли тушунча ҳисобланиб, унинг келиб чиқиши, ким томонидан амалга оширилиши, молиялаштириш манбалари, ишлатилиш характери, муддати ва мақсадига кўра турли гуруҳларга бўлинади.

Инвестицияларни киритиш шакллари турлича бўлиб, қатор омиллар асосида фарқланади, яъни капитал пул ва буюм кўринишидаги капиталга бўлинганлиги учун, ушбу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда, инвестицияларни ҳам моддий буюмлар ва пул кўринишидаги инвестициялар турларига ажратиш мумкин.

Моддий буюмлар кўринишидаги инвестициялар деганда, кўрилаётган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари, машина ва ускуналар, моддий захирани кўпайтириш учун олинган товарлар тушунилади.


Пул кўринишидаги инвестицияларга товарларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган моддий буюмлар кўринишдаги инвестицияларга йўналтирилган пул маблағлари киради. Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликларнинг, яъни инвестициялар шакллари 1-чизмада берилган.

Инвестициялар фаолиятининг ким томонидан амалга оширилишига кўра ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

⁶ Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. “Инвестиция лойиҳалари таҳлили”. –Т.:Шарқ нашриёти, 2003.

Ички инвестициялар – мазкур мамлакат ҳудудида инвестиция фаолиятини юритаётган хўжалик субъектлари, яъни инвесторлар томонидан иқтисодиётга йўналтириладиган инвестициялардир.

Ташқи инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти масаласи ҳозирда иқтисодий адабиётларда атрофлича кенг ўрганилмоқда.



1-чизма. Инвестиция шакллари

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунида: “Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа

турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий ҳамда уларга доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган хар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари, деб эътироф этилади”, - деб таърифланган. Улар хориж давлатлари, юридик шахслари, фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин.

Хорижий инвестициялар ёки ташқи инвестициялар – чет эл мулкдорларининг мутлоқ бошқа мамлакат иқтисодиётининг қонун билан таъқиқланмаган турли тармоқларига юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этадиган барча мулквий, молиявий ва интеллектуал бойликлардир.

Чет эл инвестициялари хорижий инвесторлар томонидан йўналтириладиган инвестициялар ҳисобланади. У хорижий мулкдорларнинг бошқа мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқлар) даромад олиш мақсадида муайян муддатга қўйиладиган капиталдир.⁷

Чет эл инвестициялари деганда, миллий иқтисодиётга қўйилган хорижий мамлакатларнинг валютадаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлари, шунингдек, кредитлар кўринишидаги капитал қўйилмаларининг барча шакллари тушунилади.

Хорижий инвестицияларнинг ички инвестициялардан фарқи, уларнинг манба ва капитал эгаси жиҳатидан ҳудудий фарқланиши ҳамда олинган натижага эгалик қилиш муносабатларида ўз аксини топади. Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни амалга оширишда улар билан боғлиқ барча риск (хатар)лар олдиндан ҳисоблаб чиқилган бўлади. Яъни, хорижий инвестициялар чет эллик инвесторларнинг ўз капиталидан унумли фойдаланиш мақсадида бошқа мамлакат иқтисодиётига минимал риск

⁷ Солиев А.С., Мирзаахмедов С.Х., Жумаханов Ш.З “Кўшма корхоналар географияси”.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2006.

асосида йўналтириб, имкон қадар қисқа вақт ичида кўпроқ фойда олишга эришиш мақсадида маблағларнинг жойлаштирилишидир.

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фуқаро шахсий уй сотиб олса, - бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция бўла олмайди.

Хорижий инвестициялар ҳам икки турга:

- тўғридан -тўғри инвестициялар;
- портфель инвестицияларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар - бу хорижий инвесторларга инвестиция киритган корхоналари устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берадиган инвестициялардир, яъни бунда хорижий инвесторларнинг корхона активларидаги улуши юқорилиги назарда тутилади ва шу корхона асосий компаниянинг чет эллардаги ишлаб чиқариши бўлиб қолади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) инвестицияларнинг корхоналардаги капитал қўйилмалари бўлиб, бунда инвесторлар корхона фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бевосита хорижий инвестициялар бутун жаҳон иқтисодиётига ва унинг асоси халқаро бизнесга катта таъсир кўрсатади. Юксак ривожланган, саноатлашган давлатлар Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти бевосита инвестицияларни мустаҳкам иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ва корхона устидан назорат ҳуқуқини кўлга киритиш мақсадида сармоя ҳамда ресурсларни трансчегаравий ҳаракати сифатида белгилайди. Бунда норезидентлар ва хорижий резидентлар инвестор бўлиши мумкин⁸.

Бевосита хорижий инвестициялар миллий жамғармалар даражасидан юқори инвестицияларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш базасини

⁸ Солиев А.С., Мирзаахмедов С.Х., Жумаханов Ш.З “Кўшма корхоналар географияси”.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2006.

янгилаш билан бирга технологик ускуналар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари импорт қилиш, жаҳонда машхур компанияларнинг савдо белгиларидан, нау-хаулардан, ТМКларнинг маҳсулот экспорти кенгайтириш учун жаҳон бозорларига кириб бориш каналларидан фойдаланиш имкониятини беради.⁹

Портфель инвестициялар - бу хорижий инвесторларнинг корхона активларидаги ҳиссаси ушбу мамлакатда ўрнатилган даражасидан паст бўлиши ва хорижий инвесторлар корхонани бевосита бошқаришда қатнашмай фақат аксияларидан дивидентлар олиш имконини берадиган инвестициялардир. Портфель инвестициялар – бу қимматли қоғозларни дивиденд олиш ёки охириги ўйинда маблағни ўзгартириш, кўпайтириш мақсадида қўйишдир .

1-жадвал

Бевосита ва портфель инвестициялар характерли фарқлари

Характерли белгилари	Бевосита инвестициялар	Портфель инвестициялар
Асосий мақсад киритишдан	Хорижий фирмаларни бошқариш имкони.	Юқори фойда олиш.
Мақсадга етиш йўналиши	Ишлаб чиқариш корхоналарини чет эл мамлакатларида ташкил этиш ва бошқариш.	Хориж қимматли қоғозларини сотиб олиш.
Мақсадга етиш усули	а)хориж корхона ва фирмаларини мутлоқ эгаси, б)назорат акция пакетларини сотиб олиш.	Хорижий фирма ва корхоналар акциянерлик жамият капитал акцияларини 25% дан кам миқдордаги қисмини (АҚШ, Япония, Германияда 10%) сотиб олиш.
Даромод турлари	Тадбиркорлик фойдалари , дивидентлари	Дивидентлар, Процентлар.

Манба: Акунова Е. С., Воронкова О. Н., Гаврилка Н. Н. Мировая экономика и международные экономические отношения. Серия «учебники, учебные пособия». Ростов-на -Дону.: «Феникс», 2006.

⁹ Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Н., Холматов Н. “Ўзбекистон иктисодиёти асослари” .– Т. : «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2006.

Хорижий инвестициялар иқтисодиёт тармоқларига жалб этилиши мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожланишига ва ўз навбатида, бир қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самараларга эришиш имконини беради. Масалан уларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- мамлакатда ишсизликнинг олдини олинадиган ва ишсизлар сони камайдиган;

- хом ашё ва бошқа ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш даражаси кўпаядиган;

- товар ва хизматларнинг асосий ўлчов меъзони бўлган сифат кўрсаткичи яхшиланадиган;

- импорт қилиниши лозим бўлган товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган, валюта захиралари тежалиши билан бирга валюта даромадлари кўпаядиган;

- давлатлараро иқтисодий яқинлашув, интеграллашув, сиёсий музокаралар стратегик ҳамкорлик қилишга асос яратилади ва ҳ.к.¹⁰

Инвестиция фаолиятни молиялаштириш манбаларига кўра инвестициялар қуйидаги турларига бўлинади:

- корхона ижтимоий шахслар жамғармалари;

- банк кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар;

- хорижий инвестициялар;

- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.¹¹

Келиб чиқиш манбасига кўра - давлат ва хусусий капитал инвестициялари фарқланади.

¹⁰ Солиев А.С., Мирзаахмедов С.Х., Жумаханов Ш.З “Кўшма корхоналар географияси”.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2006.

¹¹ Рашидов О.Й., Курбонов Х.А., Карлибаева Х.Р.”Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”.- Т.,2005

Давлат инвестициялари – хорижий мамлакатларга чиқарилаётган ёки хорижий давлатлардан киритилаётган (бевосита давлат ёки давлатлараро ташкилотлар қарорига мувофиқ) давлат бюджети маблағлари. Булар давлат қарзлари, ссудалари, инъомлари ва ёрдамлари шаклида давлатлараро келишувга мувофиқ амалга оширилади. Бу турдаги капитал инвестицияларга яна халқаро ташкилотлар кредитлари ва маблағлари ҳам киритилади. Бу пул олувчига турли йўллар орқали етиб борса-да, ҳар қандай шароитда ҳам аъзолик бадали тўловчиларнинг маблағи ҳисобланади.

Хусусий капитал инвестициялар - жисмоний ва юридик шахслар томонидан, яъни нодавлат манбалари ҳисобидан хорижий мамлакатга қўйилган ёки хорижий мамлакатдан жалб қилинган маблағлардир. Бунга инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлар киради. Улар давлат бюджети билан бевосита алоқада бўлмасада, давлат уларни доимо ўз назоратидан ўтказиб туради ва турли хил усуллар ёрдамида бошқариб боради.

Инвестицион лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бу ички манба, яъни тақсимланган фойда ва амортизация ажратмасидир. Бу ерда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички имкони 3 нарса билан чегараланади:

- нодавлат корхоналарнинг кўплигини, айниқса аграр соҳадаги норентабеллик, қолганларида рентабелликнинг паст бўлиши фойдани қайта молиялаштириш имкониятини камайтиради;

- нодавлат секторда амортизацияга инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун маблағ ажратиш имкони кам;

- акциядорлик корхоналарида фойдани дивидент учун ажратиш зарурати унинг тақсимланмаган қисмини қисқартириб, уни қайта молиялаштиришни чеклайди.

Инвестициялар шунингдек, жалб этиш муддатига кўра қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли халқаро инвестицияларга ажратилади:

- қисқа муддатли инвестициялар иқтисодиётга бир йилдан ортиқ бўлган муддатга кўйилади ҳамда уларнинг жами капитал инвестициялардаги ҳиссаси каттадир;

- ўрта ва узоқ муддатли капитал инвестицияларга тадбиркорлик капиталининг портфель ва бевосита инвестициялари (кўпроқ хусусий) ҳамда ссуда капитали шаклидаги (давлат кредитлари) инвестициялар ҳам киради.

Ишлатилиш характериға кўра, халқаро инвестициялар тадбиркорлик ва ссуда капитали кўринишида бўлади.

- ссуда - капитали маблағларнинг фоиз кўринишида фойда олиш мақсадида қарзга берилишидир. Ссуда кўринишидаги халқаро инвестицияларда давлат маблағлари катта салмоққа эга бўлади;

- тадбиркорлик кўринишидаги инвестициялар - фоиз шаклида фойда олиш мақсадида берилмасдан балки хорижда корхоналарни яратиш ва такомиллаштиришга сарфланадиган инвестициялардир.

Халқаро инвестициялар кўпинча хусусий капитал кўринишида бўлади. Халқаро инвестициялар хорижий мамлакат ишлаб чиқаришининг бирон-бир соҳасига ёки корхоналарига инвестицияларни жалб қилишдир. Яъни, халқаро инвестициялар инвестицияларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиши ҳамда хусусий инвестор ёки давлат томонидан иқтисодиётнинг турли ишлаб чиқариш соҳаларига ҳамда қимматли қоғозларга сарфланган узоқ муддатли маблағдир.

Инвестициялар ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштиришга, шунингдек, акцияларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг кўпайишидан таркиб топади.

Иқтисодий адабиётларда реал ва молиявий инвестициялар фарқланади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида инвестиция жараёнларининг асоси сифатида реал инвестициялар майдонга чиқиши лозим.

Реал инвестициялар - бу молиявий, мулкӣ, интеллектуал ва бошқа бойликларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга сафарбар қилишдан иборат.

Демак, реал инвестициялар асосий капиталнинг ўсишига, янгиланишига, ишлаб турган корхоналарнинг кенгайтирилишига, моддий бойликларнинг кўпайтирилишига олиб келади. Амалиётда унинг икки тури - ялпи ва соф инвестициялар мавжуд.

Ялпи инвестициялар маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган - асосий ишлаб чиқариш капиталига (бинолар, қурилмалар, асбоб-ускуналар), уй-жой қурилишига товар-материал захираларига (хом аше, тайер маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш) жалб қилинган капиталдир.

Соф инвестициялар эса ялпи инвестициядан амортизация харажатларини чиқариб ташлангандан кейинги қоладиган қолдиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, молиявий инвестициялар - акциялар сотиб олишга сарфланган маблағлардир. Инвестициялар фақат бир мамлакат ичида шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари томонидангина эмас, балки чет давлатлар ва уларнинг ташкилотлари томонидан жалб этилиши ҳам мумкин.

Халқаро инвестициялар – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир. Инвестицияларни хорижга чиқариш, уларнинг мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳаракати замонавий жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралиб турувчи хусусиятларига айланди. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган захираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Умуман айтганда, инвестициялар ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожланиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланилади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида республикага хорижий инвестицияларни жалб этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, кўп йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб

чиқарувчи эски воситалардан тезроқ қутилиш, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг замон талабига жавоб бера оладиган техникалар билан ишлаш малакасини ошириш, шу билан бирга, чет элнинг илғор бошқариш тажрибасидан фойдаланиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига валюта даромадларининг барқарорлигини таъминлаш каби имкониятларни очиб беради.

1.2. Инвестицион сиёсат ва инвестицион муҳитни иқтисодий –географик ўрганиш.

Мамлакат иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ва фаол инвестиция сиёсатини юритиш натижасида мамлакат иқтисодиёти таркибида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланилади.

Инвестицион сиёсат, давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли, шунингдек узоқ муддатли истиқболи учун белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Яъни инвестицион сиёсат - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб - қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш, хорижий шериклар билан бирга қўшма корхоналар ва ҳоказолар асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини ошириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлашдир. У, биринчи

навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан бошқарилиши ва қўллаб - қувватланишининг таъсирчан тизимини шакллантириш орқали республика иқтисодий мустақиллигининг моддий - техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим. Яъни инвестицион сиёсат ҳам маҳаллий ҳам хорижий сармоядорланинг хўжалик фаолиятини юритиш учун қулай шароит яратиши керак.

Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устуворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсатни ҳақиқатда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва, шу асосда, инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларини қуйдагилардан иборат:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шароит яратиш;
- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устивор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;
- инвестиция лойиҳаларини танлов асосида давлат томонидан молиялаштиришни амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида "очиқ" иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари эса қуйдагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай

ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислоҳотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бундай ислоҳотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қошида Инвестиция Дастурлари Департаменти тузилди. 1998 йили феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чоралари»ни белгиловчи махсус фармони эълон қилинди. Мазкур фармон Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга ошириш, бозор субъектларини жаҳон миқёсидаги сармоялар оқими тўғрисидаги кенг ахборотга эга бўлишини, уларнинг ҳажми ва сифат кўрсаткичларидан мунтазам мониторингини, жаҳон инвестиция маконида вужудга келган вазиятни етарли даражада билиши билан боғлиқдир.¹²

Ҳозирги пайтда “Республика ялпи ички маҳсулотларининг барқарор ўсишини таъминлаш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни

¹² Солиев А.С., Мирзаахмедов С.Х., Жумаханов Ш.З “Кўшма корхоналар географияси”.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2006.

чуқурлаштириш, стратегик ижтимоий дастурларни тўлиқ кўламда амалга ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш”¹³ мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабил қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2006 й. ”Тикланиш ва тараққиёт фондини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонида асосан Вазирлар Маҳкамаси томондан ”Тикланиш ва тараққиёт фонди” фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида, “Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта куруллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда республика иқтисодиётини барқарор ва бир маромда ривожлантириш” чора-тадбирлари тўғрисида қарор¹⁴ қабул қилинди.

Иқтисодий ўсишнинг максимал суръатларини таъминлаган ҳолда республиканинг мавжуд ресурс салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланиш янги иқтисодий тармоқ тузилмасини шакллантиришнинг бош мезони бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг олдинги йилларда тўплаган ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва кадрлар салоҳиятини ҳисобга олиб, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар етарлича тўлиқ шаклланган кўп тармоқли хўжалик мажмуасини яратишга йўналтириши, бундай мажмуаларнинг мақсади эса ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулот турларига ички талабни қондириш билан бирга, истиқболли ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга бўйсиндирилиши керак. Яъники, янги ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг янгиланиши ва қайта таъмирланиши, охир-оқибат,

¹³ Ўзбекистон Республикаси 2005 йилги Инвестиция дастури тўғрисида(ЎзР ВМ 30.11.2004 й. 560-сон Қарори).

¹⁴ ЎзР 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида(ЎзР президентининг 09.10.2006 й. ПК-484- сон Қарори).

маҳсулотлар турини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга олиб келиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган давлатнинг таркибий инвестиция дастурлари куйидаги йўналишларга қаратилишини талаб этади:

- ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш ва уни таркибий қайта қуришга кўмаклашиш;

- саноатнинг қайта ишловчи сектори рақобатбардошлигини ошириш;

- мамлакатнинг хўжалик комплексини модернизациялаш ва техник қуроллантириш учун етарли даражада унинг техник базасини ташкил қилувчи тармоқларни қувватини ошириш ва унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини янгилаш;

- аграр сектор ва унга боғлиқ тармоқлар(қайта ишловчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш;

- хом ашёни янада чуқурроқ қайта ишлаш ва жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш асосида кўп тармоқли мажмуалар барпо қилиш;

- юқори технологик ишлаб чиқариш ва замонавий инфратузилмани кенгайтириш, инновацион ва ахборот технологияларини ривожлантириш, миллий хўжаликнинг янги технологик қиёфасини шакллантириш учун капитал, жумладан, хорижий капитални жалб қилиш;

- жаҳонда эришилган техник-технологик даражада устивор тармоқлар ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини қайта қуроллантириш;

- ижтимоий инфраструктура ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш.

Давлат инвестиция сиёсатини юритишдан кўзланадиган мақсадлар қаторига шуни киритиш керакки, давлат доимий равишда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инвесторларнинг

хуқуқларини ҳимоя этиш ва мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бормоқда.

Инвестиция муҳитини баҳолаш жараёнида инвестор инвестициялашнинг таваккалчилик даражасини қанчалик эканлигини аниқлайди. Инвестиция муҳити даражаси қанчалик ёмон бўлса, инвестор ўз тадбиркорлик рискини шунчалик юқори белгилайди.

Инвестицион муҳит деганда, мамлакатнинг маълум бир регионига киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади, яъни инвестор томонидан ҳисобга олинган барча муаммолар ва масалаларни ўз ичига қамраб олувчи тушунча бўлиб, бунда инвестор томонидан маълум бир давлатга инвестиция киритишнинг қулай ва ноқулай томонлари баҳоланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади. Инвестицион муҳитда яратилган ҳуқуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилиниши талаб этилади.

Инвестиция макони (муҳити) иқтисодиёт ҳолатини, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни, техникавий, ижтимоий-ташкилий, психологик омилларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг қай даражада ривожланганлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишларни учун чиқарилган қонун ва қарорларни, ҳуқуқий маконнинг мавжудлигини, маданият ва маънавиятни инвесторлар ўз маблағини йўналтириш учун эътиборга оладиган ҳамда улардан хулоса чиқарадиган бошқа омилларни ўз таркибига олади.

Ўзбекистонда инвестиция муҳитни шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги бир қанча омиллар белгилаб беради, яъни инвестицион муҳитнинг шакллантиришга қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатади (2-чизма):

1. Сиёсий омиллар:

- сиёсий барқарорлик, яъни ҳар қандай мамлакатнинг қулай инвестиция муҳитини, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлиги белгилаб беради;

- хорижий инвестицияларга нисбатан давлат сиёсати, яъни хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши қонун ва фармонлар ижросининг таъминланиши;

- давлатнинг пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати;

- халқаро келишувларга риоя қилиш;

- давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашиб даражаси;

- давлатнинг турли халқаро битимларда иштирок этиши;

- давлат аппарати ишининг самарадорлиги ва шу кабилар;

2. Иқтисодий омиллар:

- мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати, яъни мамлакат иқтисодиёти нимага ихтисослашган, асосий макро иқтисодий кўрсаткичлари;

- республика валюта курсининг барқарорлиги;

- республика инфляция жараёни суръатлари ва динамикаси;

- мамлакат аҳолисининг иқтисодий – ижтимоий аҳволдан келиб чиққан ҳолда муайян товар ва хизматларга нисбатан талаб ва таклифлар;

- ишчи кучидан фойдаланиш тартиби, меҳнат тақсимотининг рационал бўлиши;

- кредит баҳоси;

- солиқ имтиёзлари;

- божхона тартиби ва шу каби омиллар;

3. Ижтимоий омиллар:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка нисбатан аҳолининг эътибори;

- хусусий мулк ва хорижий инвестицияларга нисбатан аҳолининг муносабати;

- жамиятдаги мафкуравий қарашларнинг яхлитлик даражаси;

- ишчилар қатламининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги;

- жамиятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича илғор ижтимоий фикрнинг мавжудлиги ва бошқа омиллар шулар жумласидандир.

4. Потенциал омиллар:

- табиий ресурс потенциали, захираси, сифати:
- демографик потенциал, яъни меҳнат ресурслари уларнинг саводхонлик даражаси, малакали кадрларнинг мавжудлиги;
- иқтисодий фаол аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва бошқа омиллар.

Юқорида келтирилган омилларни таҳлил қилиш орқали республикадаги мавжуд яратилган ёки ривожланган инвестицион муҳитни баҳолаш мумкин. Энг аввало мамлакат иқтисодий аҳволи билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир, иқтисодий аҳволи - бу мамлакат тўлов балансининг аҳволи, валюта – пул барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сифими катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари кабиларни ўз ичига олади;

- қонуний базада эса янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида соҳаларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлигига аҳамият берилади;

- меҳнат ресурслари ва бандлик омилида иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси, меҳнат қобилияти кабилар эътиборга олинади;

- ишлаб чиқариш техник базада – асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларнинг эскириш даражаси ҳисобга олинади;

- ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, жумладан хорижий инвестициялар ҳажмлари, инвестиция таваккалчилик даражаси, ишлаб

чиқаришнинг техник жиҳозланиши, янгиликлардан, маҳсулотларнинг илмталаб ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш усуллари илмий техника салоҳиятини аниқлаб беради. Шу ва шу каби кўпгина омиллар республика минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни белгилаб беради.

Инвестиция маконининг шаклланишига маълум даражада божхона тизими тартиблари ҳам таъсир кўрсатади.

Улар, ўз навбатида, қуйидаги вазифалар ечимини келтириб чиқаради:

- экспорт ва импорт товарлар ўртасидаги нисбатни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги валюта даромадлари ва ҳаражатларини оптимал (қулай) ушлаб туриш;

- Ўзбекистон иқтисодиётини ноқулай четдаги рақобатлардан ҳимоя қилиш, яъни протекционистик сиёсат олиб бориш;


- миллий иқтисодиётнинг етакчи мамлакатлар билан алоқаларини ривожланнишига, жаҳон хўжалик тизимига кириб бориш учун шароитлар яратиш бериш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилишга қулайликлар яратиш ва ҳоказо¹⁵.

Юқоридаги ушбу омиллар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва ривожлантирувчи инвестицияларни киритишга ўзига хос аҳамиятга эга. Яъни қулай инвестицион муҳитни шакллантиришда мамлакат сиёсий, потенциал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ва уларни амалга оширишда муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш давлат ва минтақалар олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланилади. Агар мамлакат ва унинг минтақалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хорижий инвесторлар инвестицион муҳитни яратиш учун керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқсалар,

¹⁵Солиев А.С., Мирзаахмедов С.Х., Жумаханов Ш.З “Кўшма корхоналар географияси”.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2006.

шу минтақага инвесторлар қизиқишлари ортади. Ва бу инвестицион жозибадорликни юзага келтиради.



2-чизма. Инвестицияларни жалб этишга таъсир кўрсатувчи омиллар.

Инвестицион жозибадорлик - мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор бир корхона инвестицияларининг даромадлиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестицион риск даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестицион жозибадорлик инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибадорлиги, инвестицион риск даражасини аниқлаш мумкин. Инвестицион таваккалчилик даражаси инвестицион муҳитга бевосита, яъни тўғридан - тўғри боғлиқдир.

Инвестиция муҳитни макроиктисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал кўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир.

Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлиши лозим. Капитал қабул қилиш тизими, бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Ҳозирда, хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро хўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг инфраструктуралари яратилмоқда.

Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам, ривожланган кўпгина мамлакатларда маҳсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талаб бўлган давлатларни инвестиция муҳитини ўрганадиган ва аниқ хулосаларни

инвесторлар учун берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Бундай хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитни таҳлил қилиб инвестицияларнинг таваккалчилик даражасини аниқлаб берадилар.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ- НИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Миллий иқтисодиётни молиялаштиришнинг тармоқлар таркиби ва аҳамияти.

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши иқтисодиёт тармоқларига жалб этилган инвестициялар билан белгиланади, бунда қанчалик ички инвестициялаш имконияти юқори бўлса, шунчалик иқтисодий ўсиш даражаси ортади. Республикамиз шу боис ўзининг инвестицион сиёсатинининг бош мақсадини бозор иқтисодиётини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратди.

Мамлакатда ички инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда чет эл инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб қилиш миллий иқтисодиётни ҳар томонлама такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълум бир тармоққа инвестицияларни жалб қилувчи хусусиятлар куйдагилардан иборат:

- тармоқнинг ривожланиш ҳажми ва даражаси, тармоқдаги рақобатчилик характери;
- мавжуд корхоналарнинг ривожланиши, тармоққа янги корхоналарнинг кириб келиши ва ундан чиқишдаги тўсиқлар;
- янги инновация ва технологияларнинг тармоқдаги роли;
- қонунчиликка кўра тартибга солиш;
- кейинги бир неча йил ичида тармоқдаги умумий сотиш ҳажмлари;
- тармоқнинг кутилаётган ўсиши;
- сўнгги пайта тармоқда пайдо бўлган янги маҳсулотлар;
- асосий рақиблар ва уларнинг мазкур бозордаги роли;
- асосий рақибларнинг молиявий кучи, аҳволи ва бошқалар.

Ушбу хусусиятлар орқали иқтисодиёт тармоқларининг қай даражада ривожланганлигини ва инвестицион жозибadorлигини аниқлаш мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқларига жалб қилишнинг маблағ манбалари турлича, яъни асосий капиталга киритилган инвестициялар маблағ манбалари бўйича беш таркибий қисмга бўлинади. Булар республика бюджети маблағларидан, корхона ва аҳоли маблағларидан, банк кредити ва бошқа қарз маблағларидан, чет эл инвестиция ва кредитлари ва шунингдек, бюджетдан ташқари фонд маблағларидан иборат. Қуйидаги 2-жадвалда сўнгги йиллар ичида республика иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни турли манбалар иштирокининг ҳолати ва динамикаси акс эттирилган.

2-жадвал

1998-2009 йилларда Ўзбекистонда инвестициялаш манбалари таркибининг ўзгариши

(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2009
Марказлаштирилган инвестициялар, жумладан:	44,6	54,5	53,4	52,5	53,4	36,4	31,1	23,5	21,1	20,1
Бюджет маблағи	24,2	29,4	30,3	23,1	23,0	17,4	14,9	12,8	9,0	10,7
Бюджетдан ташқари фонд маблағи ва бошқа манбалар	0,1	0,7	1,4	0,1	0,2	1,2	1,7	4,7	6,8	6,1
Хорижий инвестициялар ва кредитлари	20,3	24,4	21,7	29,3	30,2	17,8	14,5	6,0	5,3	5,0
Марказлаштирилмаган инвестициялар, жумладан:	55,4	45,5	46,6	47,5	46,6	63,6	68,9	76,5	77,0	79,9
Корхона маблағи	29,9	22,7	26,4	27,5	27,1	41,1	43,2	48,5	47,5	47,6
Банклар кредити	6,1	8,1	7,3	8,7	8,7	1,8	2,3	3,0	3,0	3,1
Бевосита чет эл инвестициялари ва кредитлари	0,1	0,2	0,2	-	0,6	7,1	11,0	13,2	15,2	17,8
Аҳоли маблағи	19,3	14,5	12,7	11,3	11,4	13,7	12,4	11,8	11,4	11,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан инвестициялаш манбаларининг улушини йиллар бўйича ўзгаришини кузатишимиз мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштиришнинг марказлашган ва марказлашмаган манбалари ўртасидаги нисбат ўзгарган. Хусусан, 1998 йилда марказлаштирилган инвестициялар инвестициялаш манбаларининг 44,6 фоизини ташкил этиб, унинг асосий қисми, яъни 24,2 фоизи бюджет маблағлари, энг кам улушини эса бюджетдан ташқари фондлар маблағи ва бошқа манбалар ташкил этади. 1999 йилда марказлашган инвестициялар улуши ортган ва 54,5 фоизни ташкил этган. Бундай ўзгариш ўтган йилга нисбатан бюджет маблағлари улушининг 5,2 фоизга ва хорижий инвестициялар ва кредитлари улушининг 4,1 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда эса марказлашган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғи доимий равишда пасайиб борди. 2009 йилга келиб бу турдаги манбалар ҳисобидан жами инвестицияларнинг 20,1 фоизи молиялаштирилди. Марказлаштирилмаган инвестициялар эса 1998 йилда 55,4 фоизини ташкил этиб, унинг асосий қисми, яъни 29,9 фоизи корхона маблағлари улушига тўғри келади. 1999 йилда марказлаштирилмаган инвестициялар улуши 45,5 фоизга тушган, бунда асосан корхона маблағлари ва аҳоли маблағлари улуши камайиб, фақат банк кредитларидан молиялаштириш 2,0 фоизга ортган. Сўнгги йилларда молиялаштиришнинг марказлаштирилмаган инвестициялар улуши ортиб борган ва 2009 йилга келиб, жами инвестициялашнинг 79,9 фоиз марказлаштирилмаган инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Фақат бунда банк кредитларидан инвестициялаш улуши пасайиб борган, яъни 1999 да банк кредитларидан ҳисобидан инвестициялаш 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, атига 3,1 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда 2009 йилда, иқтисодиётга жалб этилаётган инвестицияларни молиялаштиришда бюджет манбалари 10,7 фоизини, хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитлар 5,0 фоизини, аҳоли

маблағлари 11,3 фоизини тижорат банк ва кредитлари манбалари 3,1 фоизини ташкил этади. Умуман асосий капиталга инвестицияларни жалб қилишда хорижий инвестициялар ва кредитлари ҳамда корхона маблағларининг роли юқори бўлмоқда. Юқоридаги жадвал маълумотлари иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда сўнгги йилларда корхона маблағлари, банк кредитлари, аҳоли маблағларининг роли талаб даражасида эмаслигини, уларни жалб этиш жараёни сушт эканлигини кўрсатади.

3-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тармоқлар таркиби

	2007		2008		2009		2010	
	млрд. сўм	сол. салм.	млрд.с ўм	сол. салм.	млрд.с ўм	сол. салм.	млрд.с ўм	сол. салм.%
Жами	2629.0	100	3165.2	100	4041.0	100	5903.5	100
Ишлаб чиқариш соҳаси	1552.3	57.3	2012.8	62	2565.4	61.5	2706.5	67.5
Саноат	763.4	29.0	1032.4	32.6	1384.6	34.3	2223.2	37.7
Қишлоқ хўжалиги	113.6	4.3	137.9	4.4	164.2	4.1	200.6	3.4
Қурилиш	19.5	0.7	27.3	0.9	47.5	1.2	140.7	2.4
Транспорт ва алоқа	612.3	23.3	762.1	24.1	885.3	21.9	1277.4	21.6
Савдо ва умумий овқатланиш	43.5	1.7	53.1	1.7	83.2	2.1	142.0	2.4
Бошқа соҳалар	339.2	13.0	274.8	8.6	356.2	8.6	387.7	6.5
Ноишлаб чиқариш соҳаси	737.5	28.0	877.6	27.7	1119.4	27.8	1531.9	26.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

Республикада бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлар таркиби 3-жадвалда берилган.

Жадвал маълумотлари республика иқтисодиёти тармоқлар бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг улуши турлича тақсимланганлигини кўрсатиб турибди. Республика иқтисодиёт тармоқларига жами 2692,0 млрд. сўм миқдорда инвестиция жалб қилинган

бўлиб, инвестицияларнинг асосий ҳажми ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган. Уларнинг улуши 2007 йилда 57,3 фоизини, яъни 1552,3 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан асосий қисми саноатга 29,0 фоиз (763,4 млрд.сўм), транспорт ва алоқа соҳасига 23,3 фоиз (612,3 млрд.сўм) тўғри келади, яъни ушбу тармоқларга 2164,6 млрд. сўм миқдорда инвестициялар жалб қилинган. Ҳудди шу йили ноишлаб чиқариш соҳаларига 737,5 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилган бўлиб, жами асосий капиталга киритилган инвестицияларни 28 фоизини ташкил этади.

2009 йилга келиб, асосан саноат тармоқлар ва қурилиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш янада ортган, уларнинг улуши жами инвестиция маблағларининг 67,5 фоизини саноат тармоқларига, 2,4 фоизини қурилиш соҳасига тўғри келади, яъни саноат тармоқларига 2223,2 млрд. сўм, жами инвестициялаш манбаларининг 37,7 фоизи, қурилиш соҳасига 140,7 млрд. сўм миқдорда, жами инвестициялаш манбаларининг 2,4 фоиз инвестициялари киритилган.

Аксинча бошқа соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш кўрсаткичлари бироз пасайган, масалан, ноишлаб чиқариш соҳаларига 1531,9 млрд. сўм миқдорда, яъни жами инвестициянинг 29 фоизи жалб қилинган.

Асосий капиталга жалб қилинган инвестицияларнинг саноат тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳам турлича, масалан, 2005 йилда ёқилғи саноатига 141,4 млрд.сўм миқдорда, жами инвестицияларнинг 18,5 фоизи; металлургия саноатига эса 111,3 млрд.сўм ,яъни 14,6 фоиз инвестициялар жалб қилинган. Кейинги йилларда ушбу тармоқларга инвестицияларни жалб қилиш тобора ортиб борган. Масалан, 2010 йилга келиб, ёқилғи саноатга 1064,4 млрд.сўм миқдорда, яъни жами жалб қилинган инвестицияларнинг 47,9 фоизи киритилган, металлургия саноатига эса 365,4 млрд.сўм миқдорда инвестициялар киритилган бўлиб, ушбу соҳага жами инвестицияларнинг 16,4 фоизи тўғри келади. Ушбу кўрсаткичлар йиллар давомида ўсиб борганлигини 4-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг саноат тармоқлари бўйича таркиби

(жамига нисбатан фоизда)

	2004	2005	2006	2010
Жами	100	100	100	100
Электр энергетика саноати	9,5	7,9	4,6	6,4
Ёқилғи саноати	18,5	25,9	38,8	47,6
Металлургия саноати	14,6	19,6	16,0	16,4
Нефтхимия ва химия саноати	9,6	6,9	7,1	3,5
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати	3,3	4,1	4,1	4,6
Ўрмон, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати	0,6	0,8	0,6	0,9
Қурилиш материаллар саноати	2,2	3,5	5,2	4,1
Шиша-ойна ва чинни-фаянс саноати	3,6	2,0	0,5	0,2
Енгил саноати	24,7	15,2	12,1	8,7
Озиқ-овқат саноати	5,4	5,7	6,6	5,5
Ун круппа ва ёрма саноати	1,7	1,3	1,0	0,9
бошқалар	6,3	7,1	3,4	0,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси малумотлари

Бу кўрсаткичлардан кейинги йилларда республика иқтисодиётида ушбу тармоқларнинг қанчалик ривожланиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2010 йил биринчи ярмида инвестицияларнинг асосий ҳажми ишлаб чиқариш тармоқларига: нефть ва газ тармоғига, телекоммуникациялар соҳасига ва енгил саноатга, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини темир йўл ва автомобил йўллари электр тармоқларига йўналтирилган бўлиб, барча молиялаштириш манбаларидан ярим йилда 2706,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.


Бундай ютуқларга инвестиция фаоллигини рағбатлантирувчи омиллар - солиқ юқунинг камайиши, хорижий сармоядорлар учун инвестицион муҳитни яхшиланганлиги, шу жумладан, технологик жиҳозларни олиб кириш учун солиқ ва божхона имтиёзларини берилиши, маъмурий ишларни яхшилаш ҳамда бутун инвестициявий жараённи доимий мониторинг қилиш

бўйича тизимли чоралар кўрилганлиги сабаб бўлди. Республикада ўз иқтисодий заҳиралари билан алоҳида ўрин эгаллаган мингбулоқ нефть конини тўла ўзлаштириш ва муҳим ёқилғи базасини ишга тушириш учун 40 млн. долл. олинди, бу маблағ ҳам ўзлаштирилмоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига масалан, енгил саноатга инвестицияларни жалб қилиш секин аста камайиб борган, яъни 2004 йилда енгил саноатга асосий капиталга киритилган жами инвестициялар ҳисобидан 24,7 фоизи жалб қилинган бўлса, 2010 йилга келиб 8,7 фоиз миқдорда инвестициялар жалб қилинган, ушбу соҳани жами асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳисобидан инвестициялаш деярли икки барабар қисқарган. Лекин енгил саноат тармоғига 2004 йилга нисбатан 2010 йилда 6,1млрд. сўмдан кўп миқдорда инвестициялар жалб қилинган. Яъни 2004 йилда 188,2 млрд.сўм, 2010 йилда 194,3 млрд.сўм миқдорда инвестициялар киритилган. Химия саноатида ҳам ушбу ҳолатни кузатиш мумкин, 2004 йилда ушбу саноат тармоғига жами инвестицияларнинг 9,6 фоизи киритилган бўлса, 2009 йилга келиб 3,5 фоиз миқдорда инвестициялар жалб қилинган (4-жадвал).

2010 йилда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби 3-чизмада берилган бўлиб, хорижий инвестицияларнинг асосий қисми саноат тармоқларига жалб қилинган, бунда уларнинг улуши 57,3 фоизни ташкил этади, бу кўрсаткичлар 2006 йилдга нисбатан ўсган, яъни 2006 йилда саноатга жалб қилинган хорижий инвестициялар 46,7 фоизни, ташкил этган, аксинча бишқа соҳаларда 2009 йилда хорижий инвестицияларни жалб қилиш сусайган, масалан, 2010 йил алоқа соҳаларга 19,4 фоиз, транспортга 5,9 фоиз хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, 2006 йилда алоқа соҳасида 24,8 фоиз, транспортда 6,1 фоиз хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Хорижий инвестицияларни энг кам жалб қилинган соҳалар савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой қурилиши бўлиб, уларнинг улуши 2009 йилда атига 3,5 фоизни ташкил этади.

2010 йилда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг тармоқлари бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан фоизда)



Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан дунёдаги энг йирик ва машҳур контернлар иштирокидаги “ЎзБАТ” (Буюк Британия билан), “ЎзДЭУавто” ва “ЎзДЭУ электроникс”(Жанубий Корея билан), “Зарафшон-Ньюмонт”, “Ўзиталмотор”(Италия), “Азот-Витс” химия завод, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа муҳим аҳамият касб этувчи йирик объектлар қурилиши амалга оширилди.

Ўзбекистонда нефт-газ захиралари бўйича салоҳиятли ҳисобланган Муборак нефт-газ конларини қазиб ишларини ривожлантиришга 60 млн. долл., Шўртангаз мажмуини ривож учун 120 млн. долл. Инвестициялар жалб қилинган.

2009 йилнинг 1 ярмида 155 та янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилади, масалан, «Газли-Сапримой» газ қузури участкаси бўйича 50,5 км газ қузури ётқизилди, Кўкдумалоқ конида 8 та қудуқ қазилди, шунингдек, Кўкдумалоқ конида 102 км электр узатиш линияси ишга туширилди. Калава матолар, трикотаж мато, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ипак хом ашёсига ишлов бериш, пойабзал ишлаб чиқариш бўйича 30 та енгил саноат ва тўқимачилик саноати объекти, шунингдек, 55 та озик-овқатни қайта ишлаш саноатига оид объект ишга туширилди. Енгил саноат тармоғида Германия, Италия, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ, Хиндистон, Буюк Британия, Австрия; озик овқат саноатида Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Туркия, “Вимм-Биль-Дан-Продукт питания” Россия, “Нестле” Швейцария, Италия, Испания, “Бритиш Американ Табако” Буюк Британия каби инвестор давлат иштирокидаги кўпгина корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

2009 йил биринчи ярмида ишлаб чиқаришга оид хорижий инвестицияларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика комплекси, кимёвий ва нефть кимё саноати, қишлоқ сув хўжалиги ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш, ахборот узатиш ва телекоммуникациялар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасига йўналтирилди.

Пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой ва озик-овқат саноати, қурилиш материаллари ва қора металлургия саноати объектларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастурлар доирасида 2009-2011 йилгача бўлган даврда умумий миқдори 490 миллиард сўмга тенг 140 та лойиҳанинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда муҳим устивор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий қиймати 24 млрд. долл.дан зиёд бўлган қарийиб 300 та инвестиция устида иш олиб борилмоқда. Уларнинг 77 фоизини, яъни 24,5 млрд. долл.ни янги қурилиш лойиҳалари, 23 фоизини, яъни 6 млрд. долл. модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича

лойиҳалар ташкил этади. Бунда молиялаштиришнинг 34,0 фоизи корхоналарнинг ўз маблағлардан, 10,4 фоизи Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари 56,0 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлари ҳисобидан амалга оширилади (иловадаги 1-чизма).

Хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш республикада устувор тармоқларни қувватлаш, ривожлатириш ва меҳнат ресурлари кўп бўлган ҳудудларда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш имкониятини яратиб беради.

Бугунги кунда республика иқтисодиётига ўз инвестицияларини киритаётган давлатлар сони ортиб бормоқда. Улардан асосийларга Швейцария, Россия, Туркия, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Хиндистон, Австрия, Италия, Канада, Украина, Чехия, Малайзия ва бошқа кўплаб давлатлар киради. Ушбу давлатлар иштирокида республика ҳудудида бир қанча қўшма корхоналар, заводлар ва ташкилотлар ташкил этилиб фаолият юритмоқда. Республикага янги технологияларни ва бевосита инвестициялар киритилишида АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Италия, Германия давлатлари асосий ўрин эгаллайди. Умуман Ўзбекистонга киритилаётган технологиялар кўринишидаги инвестицияларнинг 80-90 фоизи Европа Иттифоқи давлатларига ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирда замонавий, юқори технологияларни жалб қилишда, яъни импорт қилишда телекоммуникация асбоб ускуналар 40 фоизни, химия саноати технологиялари 32 фоиз, автомобил асбоб ускуналари 22 фоизни ташкил қилади.

Республикага янги замонавий технологияларни жалб қилишдан мақсад, саноат тармоқларини модернизация қилиш, хом ашёни қайта ишлаб чиқариш маҳсулоти сифатини яхшилаш, янги турдаги маҳсулот ва хизматларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Ҳамда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотни яратиш ва экспорт қилиш дан иборат.

2.2. Минтақалар бўйича инвестициянинг ҳудудий таркиби ва қўшма корхоналарнинг ривожланиши

Иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошиши иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Инвестициялар республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги минтақавий тафовутлар ва номутаносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш минтақаларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

Бугунги кунда иқтисодиёт ўсишини жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш муҳим ҳисобланади. Инвестиция муҳити шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ошириш учун изланишларни олиб бориш зарур. Бунииг учун инвестиция макони ҳолатини тартибга солишнинг мақбул илмий асосланган механизмини танлаш керак. Шунинг билан бирга хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағлариини минтақа иқтисодиётига жалб этиш лозим.

Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, ҳуқуқий шахсларни ва давлатни, фойда олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борадаги асосий мақсад инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш масаласи инвестиция фаолиятини ташкил қилишни мавжуд моддий ва молиявий ресурслар билан боғланган ҳолда олиб боришни талаб қилади ва ишлаб чиқариш инвестицияларини энг зарур бўлган тармоқларни ривожлантиришга қаратилишини тақозо этади.

Республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларни минтақалари бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, асосий капиталга киритилган инвестициялар йиллар ва республика минтақалари бўйича нотекис тақсимланган. Асосий капиталга киритилган инвестициялар 1999 йилда Ўбекистон Республикасида 537,4 млрд.сўмни ташкил қилган, 2009 йилга келиб эса 5,479 млрд.сўмни ташкил этаяпти, шу йилра оралиғида асосий капиталга киритилган инвестициялар 10 баробарга ошган (5-жадвал).

Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси 1999 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 32,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йил 1418,9 млрд.сўм миқдорда инвестициялар жалб этилган. Андижон, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу кўрсаткичлар жуда юқори. Қашқадарё вилоятида 1999 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 89,1 млрд.сўм 2009 йилда эса 830,0 млрд.сўмни ташкил этган, бу эса 1999 йилга нисбатан 2009 йилда 9.3 баробар ошганини билдиради. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги инвестиция салоҳиятининг нисбатан баландлиги аввалом бор унинг иқтисодий географик ўрни, инфраструктура тизимининг ривожланмаганлиги, ёқилғи ва турли ми-

Асосий капиталга киритилган инвестициялар
(амалдаги нархларда, млрд. сум)

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2009	2000- 2009	2000- 2009 (жон бошига, минг.сўм)
Ўзбекистон Республикаси	537,4	744,5	1320,9	1526,6	1987,1	2629	3165,2	4041	5479,7	20894	769.08
Қорақалпоғистон Республикаси	32.4	35.9	51.8	76.0	132.5	174.3	149.3	211.7	587.4	1,418.9	887.53
вилоятлар:											
Андижон	32.5	36.7	62.7	62.0	117.8	87.0	130.4	140.9	172.0	809.5	329.41
Бухоро	25,3	31.2	56.6	95.5	90.7	174.7	260.7	337.8	677.8	1,725.0	1098.03
Жиззах	11,4	17,4	57.9	69.9	49.0	62.6	77.2	96.2	100.0	530.2	488.75
Қашқадарё	89.1	124.3	231.9	226.6	316.4	339.4	456.5	756.8	830.0	3,281.9	1305.87
Навоий	28.0	46.1	103.0	89.5	145.3	144.1	229.1	354.3	419.8	1,531.2	1841.49
Наманган	22,7	41.9	59.2	60.2	77.4	96.4	107.9	141.3	218.0	802.3	368.06
Самарқанд	34.5	42.6	61.6	63.9	110.2	157.1	203.5	233.4	296.1	1,168.4	387.93
Сурхондарё	18,8	27,7	53.6	53.0	86.4	109.7	170.8	211.5	288.6	1,001.3	486.94
Сирдарё	12,6	17,1	24,6	27,9	31,8	54.1	54.5	82.3	85.7	378.0	542.56
Тошкент	32.6	60.5	108.8	142.9	171.4	256.3	337.4	340.6	479.5	1,897.4	747.92
Фарғона	37.7	52.4	110.1	156.8	105.3	120.1	162.3	178.2	258.7	1,143.9	383.36
Хоразм	21,7	25,8	52.6	69.0	46.4	123.8	63.3	113.4	134.6	628.9	417.49
Тошкент ш.	136.0	182.7	281.0	323.9	494.5	729.4	741.8	840.3	856.7	4,450.3	2023.88

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

нерал хом ашё ҳамда юқори малакали ишчи кучининг мавжудлигига боғлиқ.

Тошкент вилоятида 2009 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида барча манбалар ҳисобидан 987 млрд.сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган. Бу маблағнинг 110 млрд. сўмдан зиёди хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан 83 фоизини бевосита инвестициялар ташкил этади.

Тошкент вилоятида саноат соҳасини модернизация қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йил давомида Олмалик шаҳридаги “Аммафос” заводида минерал ўғитлар, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида янги қувватлар шга туширилганлиги, Ўртачирчик туманида полиэтилен плёнкаси тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа мисоллар шундан далолат беради.

Республикада инвестициялар ҳажми минтақалар бўйича турлича тақсимланган. Чунончи, 2009 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 20 фоизга яқин қисми Тошкент шаҳрига тўғри келди. Шунингдек, катта кўрсаткичлар Қашқадарё (18,2 фоиз) ҳамда Бухоро (салкам 9 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Минтақалар орасида Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига эса маблағ манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициянинг энг кам миқдорда жалб этилган.

Демак, юқоридаги жадвал таҳлили асосида қуйидагича умумий хулосалаш мумкин, аввало, республикада минтақаларида инвестицион муҳитни турлича ривожланганлиги ҳамда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт тармоқларига ихтисослашганлиги ва ушбу соҳалар ривожланиши учун асосий капиталга киритилган инвестицияларни жалб қила олиш хусусиятларини ўрганиб чиқиш, минтақалар иқтисодиётини ривожлантира оладиган соҳаларни шакллантириш чораларини излаб топиш, фаолият юритаётган тижорат банкларининг филиаллари иш фаолиятини қайтадан кўриб чиққан ҳолда, жами инвестициялар ҳажмидаги улушини ошириш йўллари юзасидан турли таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Республикада хорижий инвестициялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпайиб бормокда. Ҳозирги кунга келиб, дунёнинг 80 дан ортик мамлакати инвестициялари иштирокида 3579та кўшма корхона рўйхатга олинган ва улардан 52,4 фоизи фаолият кўрсатмокда. Улар 2009 йилда 123 млрд. сўм ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу 2006 йилга нисбатан 3 баробар кўпдир (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар

	2004		2005		2006		2009	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Ўзбекистон Республикаси	2209	100	2412	100	2919	100	3579	100
Қорақолпоғистон Республикаси	45	1,3	38	1,6	40	1,4	40	1,1
Андижон вилояти	108	3,1	79	3,3	67	2,3	76	2,1
Бухор вилояти	59	1,7	55	2,3	55	1,9	59	1,6
Жиззах вилояти	34	0,9	26	1,1	29	1,0	33	1,0
Қашқадарё вилояти	39	1,1	47	2,0	41	1,4	45	1,3
Навоий вилояти	73	2,1	56	2,3	39	1,3	40	1,1
Наманган вилояти	138	3,9	120	4,9	51	1,7	53	1,5
Самарқанд вилояти	44	1,2	40	1,6	140	4,8	159	4,4
Сурхондарё вилояти	39	1,1	41	1,7	39	1,3	40	1,1
Сирдарё вилояти	209	5,9	165	6,8	28	1,0	28	0,8
Тошкент вилояти	89	2,5	77	3,2	225	7,7	266	7,4
Фарғона вилояти	37	1,1	27	1,1	78	2,7	81	2,3
Хоразм вилояти	49	1,4	44	1,8	25	0,9	24	0,7
Тошкент шаҳри	2576	72,7	1597	66,2	2062	70,6	2635	73,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган 3579та кўшма корхоналарнинг 52 фоизи саноат тармоғида, 23,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 4,2 фоизи транспорт ва алоқа, 2,6 фоизи эса қишлоқ хўжалига соҳаларига тўғри келади. Мазкур кўшма корхоналарнинг 73,6 фоизга яқини Тошкент шаҳрида мужассамлашган бўлиб, асосан машинасозлик, озиқ – овқат ва электротехника ҳамда электроника

соҳаларида фаолият юритади. Саноат минтақалари бўлган Тошкент, Самарқанд, Андижонда, Фарғона вилоятларида 16,2 фоизи жойлашган.

Андижон вилояти республикада пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича асосий ўринда туради, ушбу вилоятда тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Тўқимачилик саноатининг асосий корхоналарига “Алишер Навоий интернэшнл”(АҚШ), “Ан Тед Текстайлз”(Германия), “Бобур”, “Антекс”, “Хумоюн” каби кўплаб саноат ва бошқа тармоқларининг қўшма корхоналари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги минтақалари бўлган Жиззах, Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё каби вилоятларда эса 3,6 фоиз қўшма корхоналар мавжуд холос. Жиззах вилоятида жами 33та қўшма корхона бўлиб, шундан 16таси фаолият юритади, уларга “Пахта-интернешнл”(Корея), “Жибчи”(Буюк Британия), “Кумуш тола”(Тожикистон), “Иржартекстиль”(Покистон), “Локистир”(Португалия) каби қўшма корхоналар киради.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги инвестиция салоҳиятининг нисбатан юқорилиги, авваламбор унинг иқтисодий географик ўрни, инфраструктура тизимининг ривожланганлиги, ёқилғи ва турли минерал хом ашё ҳамда юқори малакали ишчи кучининг мавжудлигига боғлиқ. Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам бундай табиий ва ижтимоий иқтисодий шарт-шароитлар қўшма корхоналарни ташкил қилнишига ва қулай инвестиция маконини яратилишига имконият туғдиради. Бу вилоятлардан фарқли ўлароқ Навоий ва Қашқадарё вилоятларида қўшма корхоналарни фаолияти асосан тоғ-кон саноати тармоқларига ихтисослашган.

Чунончи, Навоий вилоятида рангли, нодир ва қимматбаҳо металллар захиралари катта аҳамиятга эга. Қолаверса, бу вилоятларнииг (Қизилқумнинг) табиий бойликлари тўла ўрганилмаган. Ҳозирги кунда вилоят марказида рангли металлургия, қурилиш материаллари, электр-энергетика ва кимё саноатининг корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда республикамиз учун анъанавий бўлган енгил ва озиқ-овқат саноатлари суст ривожланган.

Республикамизга чет эл инвестиция ва кредитларини оқиб киришининг асосий омили мамлакатимиз табиий хом ашёларга бойлиги, кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қулай шароит мавжудлиги, етарли даражада меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳияти, юртимизда осойишта вазиятнинг барқарорлигидир.

Республикамизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Россия (400), Туркия (226), АҚШ (206), Корея Республикаси(135), Буюк Британия (110) ва Германия (101) билан ташкил этилган. Шундан нефт-газ саноатида фаолият юритаётган “Лукойл”, “Газпром”(Россия Фед), CNPC (КХР), “КОГАЗ”(Корея), “Петронас Чаригали”(Малайзия) каби машҳур қўшма корхоналарни мисол келтиришимиз мумкин. Химия саноатида Австрия, Россия Федерацияси, Туркия, Хиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Ҳар қандай хорижий сармоядор иштирокидаги қўшма корхонани ташкил қилишдан аввал бу тадбир учун қандай даражада ва қанча иқтисодий-ижтимоий самара беришини таҳлил қилиб кўрилади. Агарда сармоядор ихтиёридаги бойлик иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона очмайди. Бинобарин, хорижий сармоядор учун шундай иқтисодий ва ҳуқуқий инвестиция макони яратиш керакки, пировардида улар ҳам, мамлакат ҳам иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий самара олишлари керак бўлади.

Инвестиция жараёнининг жадал суръати кўп жиҳатдан жаҳон, минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг бир меъёрида ўсиб бориши, ҳамда инвестиция маконини шаклланиши ва ривожланиш даражасини белгилайди. Ҳозир бутун дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёнининг ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида бевосита хорижий инвестициялар майдонга чиқмоқда.

Вилоятлар қўшма корхоналарининг саноат тармоқлари бўйича ўрганиш, барча ҳудудларда кўпроқ енгил ва озиқ-овқат, тўқимачилик соҳаларидаги қўшма корхоналарни нисбатан ривожланганлигидан далолат

беради. Шу билан бирга айрим вилоятларда тоғ-кон, кимё, машинасозлик ва қурилиш материаллари саноатидаги қўшма корхоналари ҳам мавжуд.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли, юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш, экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини, инженерлик ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш, илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, инвестиция жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасига етказиш имконини беради.

Шунингдек ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, юқори даражали маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий бозорлар конъюнктурасини, қўшма корхоналар ташкил этиш кабилар бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш учун ҳам хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш орқали амалга оширилади.

3.2. Минтақаларга хорижий инвестициялар жалб этишни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва истиқболлари

Хорижий инвестициялар республика минтақалари иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда, бозор ислохотларини муваффақиятли амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Республикамизда ишлаб чиқариш кучларини замонавийлаштириш ва асосий воситаларини янгилаш, мавжуд саноат корхоналарини реконструкция қилиш учун йирик капитал қўйилмаларни сафарбар қилиш зарурияти мавжуд бўлган ҳозирги даврда кенг миқёсда хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегик мақсадларга қаратилган бўлиб, у давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг мафаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади.

Бунинг учун, бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим дастакларидан бўлган Давлат Инвестиция дастури ҳисобланади. Республика ҳукумати томонидан иқтисодиётни тубдан ва таркибан ўзгартиришни таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш мақсадида ҳар йили ушбу дастур бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури унинг инвестиция сиёсати воситаси сифатида иқтисодиётни инвестициялашда жуда муҳим

ҳужжат ҳисобланади. Бу дастур давлат кафолати остида жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлари иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган устувор инвестиция лойиҳалари рўйхатидан иборат. Бугунги кунда 30 дан ортиқ мамлакат инвесторлари Ўзбекистон Давлат Инвестиция дастурида иштирок этмоқда.¹⁶

Ҳозирги кунда эса мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида деярли 200 та инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган ва амалиётда жорий этилмоқда. Уларнинг ҳажми 10 млрд. АҚШ долларидан ортиқдир. Айти пайтда Ўзбекистон инвестиция соҳасида шериклар доирасини кенгайтира бориб, уларни Ўзбекистон иқтисодиётини таркибан ўзгаришига, корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни техника билан қайта курулантириш ва янгилашга жалб этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш учун инвестициялашда халқаро молиявий муассасалар маблағларини жалб этиш ва уларнинг Давлат Инвестиция дастуридаги иштирокини таъминлашга эришилмоқда. Бунда халқаро ва нуфузли банклар республикаимизда кредит линияларини очиш орқали мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни кичик қўйилмалар билан молиялаштириш орқали уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Давлат Инвестиция дастурининг амалга оширилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида (1991-2009й) инвестиция маблағларини ҳаётга тадбиқ қилишда анча муваффақиятларга эришди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратилган. Буни биз ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган қуйидаги фармон ва қарорлардан билишимиз мумкин.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 ноябрдаги 457-сонли қарори, -

2005 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони;

2005 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2000й(15 июль 1-1 модда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони;

2005 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча-чора тадбирлар тўғрисидаги фармони;

2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг Фармони келтиришимиз мумкин. Юқорида қайд этилган тадбирларни, амалга ошириш ўз навбатида кўп миқдорда моддий, молиявий, инвестиция ресурслар манбаларини излаш, шакллантириш ва умуман Ўзбекистон учун янги ва қулай бўлган инвестициявий фаолиятни йўлга қўйишни тақозо этади.

Давлат ҳозирги шароитда ушбу жараённи ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириб келмоқда. Хусусан, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Хориждан жалб қилинадиган инвесторлар учун турли кафолатлар берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилди ва улар бозор иқтисодиётни ривожланиб бориши билан такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари давлат томонидан ва қонун билан ҳимоя қилинади. Инвестициялашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, инвестиция қаолияти соҳасида республика томонидан имзоланган халқаро шартномалар тамойилларга мувофиқ хорижий иневстицияларни амалга оширишнинг базавий шартлари белгиланган. ”Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг

фаолияти кафолатлари” қонунида хорижий инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг худди шундай жисмоний ва юридик шахслар учун тегишли режимдан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Мамлакатда хорижий инвесторларга кенг имкониятлар яратилган, чунончи, инвестиция мақсадалрида ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар, ускуна- жиҳозлар, уй-жой сотиб олиш, ерни узоқ муддатга ижарага олиш, хусусийлаштириш дастурида қатнашиш ҳуқуқлари берилган.

Чет эллик инвестор инвестиция натижа ва объектларга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон хорижий инвесторларнинг республика худудида инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Агар Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шароитларини ноқулайлаштирадиган бўлса, ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади. Ушбу ҳуқуқий меъёр хорижий инвесторлар нуқтаи назарида ғоят муҳим ҳисобланади. Бу меъёр мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга таалуқли қонун ҳужжатларини ўзгартиришга тадбиқ этилмайди.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси худудида инвестицияларни қуйдаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

-Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда ташкил этилган корхоналар, банклар, уюшмалар ва бошқа корхоналарга улуш қўшиб қатнашиш;

-хорижий инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган корхоналарни барпо этиш;

-Ўзбекистон Республикаси ёки Ўзбекистон ҳукумати корхоналари томонидан чиқарилаётган акциялар облигациялар, акция сертификатлар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

-турар жой биноларга улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш.

Хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналарга ҳам бир канча имтиёзлар берилган:

-иқтисодиёт тармоқларига бевосита хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб асосий фаолият бўйича дароамд солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи, экология солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этиладилар.

Шунингдек, Республикада ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарлар келтирадиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда Республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай инвестиция шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сарвланган сармоясини кафолатлайди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши БМТ нинг Республикада амалга ошираётган иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларида ҳам намоён бўлади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан келиб чиқади:

- инвестиция жараёнини фаоллаштириш;
- инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётининг устувор соҳаларига йўналтириш;
- инвестиция жараёнига корхоналар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиши;
- чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳитини яратиш.

Маълумки инвестициялаш жараёнини амалга оширишда молия тизими муҳим ўрин эгаллайди. Молиявий тизим замонавий бозор иқтисодиётида асосий хизматлар мажмуини ташкил қилади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида молиявий тизимлар тадбиркорлар билан ишлашнинг асосий ва барқарор воситаси сифатида тан олинган. Бу ишлаб чиқариш ихтисослашувининг тез суръатларда ривожланишига имкон яратди. Бошқа томондан молиявий активларнинг, тезда пулга айланиши ва таваккалчилик хусусиятлари билан молиявий шаклдаги жамғарма ҳажмини кўпайтиришга имкон беради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш лозим бўлади. Ҳозирги босқичда маблағлар етишмовчилигини ҳисобга олиб, нодавлат инвестиция манбаларини топиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиялаштиришда ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган қатор вазифалар борки, улар мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлардан тўғри фойдаланадиган, ва умуман инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлаш улар малакасини мунтазам оширишни талаб қилмоқда.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш йўлида мамлакатимизда инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар учун олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳукуратимиз томонидан бир қанча қарор ва фармонлар ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда жорий йилнинг ўзида бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилинганини айтишимиз мумкин.

Бунинг натижасида иқтисодиётимиздаги ривожланиш ва тараққий топиб боришни кузатиш мумкин. Ҳеч бир мамлакат иқтисодий ислохотларсиз ёки уни тўхтатиб қўйишлик билан ривожланмаган. Иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич олиб борилаверади. Бунинг натижаси ўлароқ иқтисодиётда тўхтаб қолмаслик, аксинча силжиш бўлади.

Инвестицияларни рағбатлантириш агентликлари инвестиция ҳамжамияти назарида мамлакат имижини вужудга келтириш учун дастлаб шахсиз рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиб, сўнгра эса инвестицияларни ташкил этишга кўпроқ йўналтирилган уринишларга ўтиб, ўзлари кўзлаган бозорлар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнларига мослашишга мойил бўладилар.

Бироқ, бундай изчилликка амал қилинмайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Агар мамлакат инвесторлар орасида яхши мавқэийга эга бўлса, инвестицияларни жалб қилишда катта ресурслар сарфлаш эҳтиёжи бўлмайди. Борди-ю, масалан, маҳаллий расмиятчиликнинг қоқоқлиги туфайли мамлакатнинг обрўси бўлмаса, инвестицияларни рағбатлантириш борасидаги сабъ-ҳаракатлар сервис фаолиятдан бошланиши мумкин. Бу иш мавжуд инвесторларнинг ўзларини анча қулай ҳис қилишларига ёрдам беради ва янги инвесторлар учун ҳам масалани шундай енгиллаштиради.

Ҳақиқатан ҳам, агар мамлакат чет эллик инвесторлар учун ўзининг бирон-бир нохуш томонлари билан, хусусан, сиёсий беқарорлик ёки алмашув курси ҳаддан ташқари баландлиги билан ном чиқарган бўлса, ана шу тўсиқлар бартараф этилмай туриб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш

учун қилинган қалбаки жозибадорлик фақат ресурсларни фойдасиз сарфлашдан иборат бўлиб қолаверади.

Чет элда инвестициялаш учун етарли имкониятларга эга бўлган фирмалардаги инвесторлар, бундай қарорни қабул қилишдан олдин, айрим мамлакатнинг инвестиция шароитига доир ахборот муҳитини пухта ўрганишга мойил бўладилар. Улар инвестицияларни жалб этиш билан шуғулланадиган ҳукумат ташкилотидан олинадиган ахборот билан чегараланиб қолиши эҳтимолдан йироқ.

Ташқи бозорда фирма ўзи учун макон топиб, фаолият кўрсатмоқчи бўлган хорижий мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий муҳитларни таҳлил қилади.

Ташқи бозорга чиқишга тайёрланаётган корхона (фирма)лар, мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий муҳит, бизнес, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай имкониятларни яратишга ишонч ҳосил қилганларидан сўнг унга чиқиш усулларини танлайдилар.

Республикамизда инвестиция жараёнларини янада жадаллаштиришда “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси”, хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги «Ўзинфоинвест» ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президент ўз асарида шуни алоҳида таъкидлаб ўтдики, - Республикамизда иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистондаги сармоя етказиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли информация ва маълумотга эга бўла олмаётдилар.

Шунинг учун “Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги” ҳузурида янги ташкил этилган Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги - «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий ишбилармон доираларни Республикамиздаги мавжуд

инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши даркор.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин "инвестицион лойиҳа" киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

Инвестицион лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасининг 09.04.1999 й. даги 165 - сонли "Чет эл инвестицияси иштирокидаги устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилади. Унга кўра инвестицион лойиҳа бу маълум ижтимоий - иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник - иқтисодий, бизнес - бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспекти асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Инвестицион лойиҳаларни амалиётда, 4 хил турдаги давр учун тузиш ва молиялаштириш мумкин:

- қисқа муддатли лойиҳалар, муддати 1 йилгача;
- ўрта муддатли лойиҳалар, муддати 1-3 йилгача;
- узоқ муддатли лойиҳалар, муддати 3-7 йилгача;
- стратегик лойиҳалар, муддати 7-12 ва ундан кўп йилларни ташкил этади.

Инвестиция тўғрисидаги қонунга кўра лойиҳа хусусий капитал баъдал сифатида таъсисчилар билан келишган ҳолда хоҳлаган турдаги предмет киритилиши мумкин. Инвестицион лойиҳани молиялаштирилarkan, аввало, ушбу лойиҳадан кўзланган мақсадига ета олиши мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлайди, уларнинг реаллигига ишонгач, лойиҳада қатнашади ва уни молиялаштиради.

Лойиҳаларда юқоридаги ҳаётийлик даври муддатлари лойиҳа иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Инвестицион лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарорлар маълум ноаниқликлар ва рисклар шароитида қабул қилинади, бундай ноаниқликларни камайтириш учун лойиҳа ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уларни таҳлил қилиш, прогнозлар қилиш талаб этилади.

Республикада минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамадан баъзи минтақа ва тармоқларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш суғлигини кузатиш мумкин.

Республикада инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилишни тезлаштириш мақсадида қуйдаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

-инвестиция фаолиятининг мамлакатда бориши ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилувчи ва оммавийлаштирувчи, юридик шахсларга маслаҳат берувчи муассасалар фаолиятини яхши йўлга қўйиш;

-инновацияга инвестицияларни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

-қўшма корхоналар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказадиган тўсиқларни бутунлай олиб ташалш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларни бажариш инвестиция фаолиятини рағбатлантириш муаммосига келиб тақалади. Айни шу мақсадда бозор муносабатларига мос

ана шундай механизмни яратиш, инвестиция фаоллигани ошириш, назорат ва тартибга солишнинг иқтисодий дастакларни кенг қўллаш имконини яратиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожланишида минтақалар хўжалигини модернизациялашда инвестиция, айниқса, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда беқиёс. Инвестицион жараён мураккаб жараён бўлиб, уни тўғри ташкил этиш ва ундан тўғри фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ривожланишини таъминлашдаги асосий мезон ҳисобланади. Инвестициялар республика иқтисодиёт тармоқларни ва минтақалар ривожланишида, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ютуқларга эришишда пойдевор вазифасини бажаради. Шу боис мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, инвестицион жозибадорликка эришиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Бугунги кунда инвестиция фаоллигини ошириш мақсадида ҳар бир минтақанинг салоҳияти ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олувчи инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш, республикада давлат молия тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида давлат ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий - ижтимоий соҳа харажатларини шакллантиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни олдини олиш, бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Чунки хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб этилиши мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожланиш ва ўз навбатида, бир қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самараларга эришиш, мамлакатда ишсизликнинг олдини олиш, хом ашё ва бошқа ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш даражаси кўпайтириш, товар ва

хизматларнинг асосий ўлчов меъзони бўлган сифат кўрсаткичи яхшилаш, импорт қилиниши лозим бўлган товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта захиралари тежалиши билан бирга валюта даромадлари кўпайтириш, давлатлараро иқтисодий интеграллашув, сиёсий музокаралар стратегик ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, республиканинг ҳар бир минтақаси ўз имкониятларни ўзи жуда яхши билади ва шундан келиб чиқиб, ҳар минтақа ўзининг иқтисодиётини ривожлантириш учун ўзига хос инвестицион лойиҳалар, чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, республика минтақалари қайсидир маънода, хоҳ у табиий, хоҳ ижтимоий-иқтисодий томондан бўлсин бир-биридан кескин фарқ қилади. Яъни қайсидир минтақа табиий ресурсга бой, қайси бирининг демографик потенциали юқори, яна қайси бирини географик ўрни қулай ва х.к.

Шуниг учун республика минтақалари ва иқтисодиёти тармоқларига инвестицияларни жалб қилишда ҳар бир ҳудудни яхшилаб ўрганиб, таҳлил қилиб, инвестицион жозибадорлигини шакллантириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолатда қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- республика минтақалари ва тармоқлари инкониятларни аниқлаб, инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштириб, қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- давлат инвестиция дастурини молиялаштириш учун ташқи қарзлар ҳажмида янги лойиҳаларга бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кўпайтириш;

- халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар кредитлари, шунингдек чет мамлакатлар қарзлари ҳиссасини камайтириш;

- хорижий инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;

-республика иқтисодиётига чет эл капитални жалб қилиш соҳаларни аниқлаш масалаларни ҳал қилишда қўшма корхоналар ташкил қилиш бўйича узоқ муддатли ҳудудий стратегик дастурларни ишлаб чиқиш;

-инвестициялашда замон талабига жавоб бера оладиган ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш ҳамда улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара беришини таъминлаш.

Шунингдек ушбу хулосаларга мувофиқ ҳолда қуйдаги таклифлар киртилди:

- эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш;

- ресурсларни тежовчи кам чиқимли ёки чиқимсиз янада прогрессив технологияларни жорий қилиш;

- минтақаларда табиий ресурс ва хом ашёларни қайта ишловчи , яъни тайёр исьтемомол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни кўпроқ ташкил этиш;

- ушбу корхоналарда фаолият юритаётган мутахассисларни замонавий технологиялар устида ишлаш учун доимий равишда керак бўлса, хорижда малакаларини ошириш учун шароит яратиб бериш;

- корхоналардаги технологиялар ишлатиш муддатларини қисқартириш, эски дастгоҳлардан фойдаланиш йилларини узайтиришга қарши чоралар кўриш;

- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг корхоналарини ва филиалларини ташкил этиш

- республика минтақалари бўйича қўшма корхоналар тақсимланишини барқарорлаштириш шулар жумласидандир.

Умумий хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, инвестицияни молиялаштириш асосан мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий қонунчилик, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривожини, даражасини ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади.

Инвестиция фаолиятининг ривожини учун мазкур омилларни илмий таҳлил қилиш лозим бўлади. Бу таҳлил маблағлар қўшишининг энг мақбул

усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятни беради. Иқтисодий ўсишга эришишда нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишлари ва тузилмаларини тўғри танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли, ҳудудий, мақсадли дастурларида устувор секторларни белгилаш ва уларнинг чет эл технологиялари ва ускуналари билан биринчи галда жиҳозланишини асослаш керак. Бунда мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш-бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонуни. // Солиқ ва божхона хабарлари, 24-сон, 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 августда “Хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралдаги “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун чет эл кредитларини беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004йил 14 январдаги “2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” қарори.
5. Каримов И.А. “Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз” Халқ сўзи газетаси, 2001 йил 15 февраль
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., 1995.
7. Каримов И.А.Бнак тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик.-Т.:Ўзбекистон, 2005.
8. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю ва бошқалар Инвестицион лойиҳалари таҳлили. -Т.: Шарқ, 2003.
- 19.Рашидов О.Й., Қурбонов Х.А., Карлибаева Х.Р.Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш.-Т.,2005.
- 20.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси.- Т., 2001.

9. Содиқов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика.- Т.: Иқтисод-молия, 2005.
10. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А., Маҳамадалиев Р.Й., Назаров М.И. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт.-Т.:Университет, 2003.
11. Солиев А.С., Мирзааҳмедов С.Х., Жумаханов Ш.З Қўшма корхоналар географияси.-Наманган.,-2006.
12. Фомичев В.И. Международная отношения.- М.: ИНФРАМ, 1998г.
13. Элмурода П. “Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва солиқлар” Бозор, пул ва кредит, 2002 йил январь.
14. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.- Т.:Молия, 2003
15. Юсупов А. “Хорижий инвестициялар – корхоналар иқтисодий тараққиёти омили” Бозор, пул ва кредит, 2004 йил 11 ноябрь.

Internet ma'lumotlari

1. <http://jahon.mfa.uz/modules.php?op=>
2. <http://www.bank.uz/uz/publish/doc/text1486.html> “Банк ахборотномаси”, 19.03.2008
- 5.<http://uzbekistan.me.uz>
3. http://avestagroup.com/lib/fdi_2006.pdf
4. http://www.uzbekcongress.org/congress3/dastur_muhokama1.html
5. http://www.investuzbekistan.uz/rus/investiijnnie_vozmojnosti/otrasli/tekstilnaya_pro...
6. <http://www.gov.uz/en/content.scm?contentId=36330>
7. http://www.gki.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=6522&Itemid=44&lang=uz
8. <http://passport.uzreport.com/vhod.cgi?lan=u&refd=news.uzreport.com&reff=uzb.cgi&refi=57523>
9. www.mse.uz
10. www.investuzbekistan.org